# ПАХТА БАЙРАМИ —
# МЕҲНАТ, ҒАЛАБА, ҲОСИЛ БАЙРАМИ

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ САНОАТ ВА ҚИШЛОҚ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТЛАРИ
ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ
ТОШКЕНТ САНОАТ ВА ҚИШЛОҚ ОБЛАСТЬ ҲАМДА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 253 (2544). | 25 декабрь, чоршанба, 1963 йил. | Баҳоси 2 тийин.




Рассом М. В. Рэйх плакати. (Ўзбекистон давлат нашриёти).

## ҒАЛАБАНГИЗ МУБОРАК!

**ЧИРЧИҚ ЭЛЕКТРОХИМИЯ КОМБИНАТИ ВА ОЛТИНТОПГАН ҚЎРҒАШИН — РУХ КОМБИНАТИ, ФАРҒОНА АЗОТЛИ ЎҒИТЛАР ЗАВОДИ, ҚЎҚОН ВА САМАРҚАНД СУПЕРФОСФАТ ЗАВОДЛАРИ, ГОССРЕДАЗСТРОЙНИНГ 8-ВА 93-ҚУРИЛИШ ТРЕСТЛАРИ, СССР ГОСМОНТАЖСПЕЦСТРОЙИНИНГ МОНТАЖ ВА МАХСУС ТАШКИЛОТЛАРИ ҲАМДА ЛОЙИҲАЛАШ ИНСТИТУТЛАРИНИНГ ХИМИКЛАРИ, БИНОКОРЛАРИ ВА МОНТАЖЧИЛАРИ КОЛЛЕКТИВЛАРИГА**

Қадрли ўртоқлар!

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети химикларни, бинокорларни ва монтажчиларни буюк меҳнат ғалабаси билан — республикада қудратли химия саноатини вужудга келтириш ва пландан ташқари талайгина миқдорда минерал ўғитлар ишлаб чиқариш юзасидан олинган социалистик мажбуриятларнинг муваффақиятли бажарилиши билан табриклайдилар.

Чирчиқ электрохимия комбинатида аммиак ишлаб чиқарувчи йирик қувватларни вужудга келтириш соҳасида етти йиллик топшириқларида белгиланган ишларнинг икки йил олдин тугалланганлиги, Фарғонадаги азотли ўғитлар заводида аммиак селитраси ва кам қувват азотли кислота ишлаб чиқарувчи цехлар комплексининг барпо қилинганлиги, Қўқон суперфосфат заводида бир-бирига ёпишиб қолмайдиган 330 минг тонна суперфосфат ишлаб чиқарувчи қувватларнинг, Олтинтопган қўрғошин-рух комбинатида 75 минг тонна олтингугурт кислотаси ишлаб чиқарадиган цехнинг ва Самарқанд суперфосфат заводида қўшимча қувватларнинг муддатидан илгари ишга туширилганлиги Ўзбекистон химиклари, бинокорлари ва монтажчиларининг улуғ Ватанимиз экономикасини химиялаштириш ва совет халқининг моддий фаровонлигини янада юксалтириш учун меҳнаткашлар олиб бораётган умумхалқ кураши ишига қўшган буюк ҳиссасидир.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети қаттиқ ишонч билдириб айтадиларки, КПСС Марказий Комитетининг тарихий декабрь Пленуми қарорларидан илҳомланган Ўзбекистон меҳнаткашлари химия саноати қувватларини янада ошириш учун бундан буён ҳам зўр ғайрат билан кураш олиб борадилар.

Азиз ўртоқлар, сизларга меҳнат соҳасида янги муваффақиятлар тилаймиз.

**КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ** | **СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ**

* * *

Чирчиқ электрохимия комбинати ва Олтинтопган қўрғошин-рух комбинати, Фарғона азотли ўғитлар заводи, Қўқон ва Самарқанд суперфосфат заводлари Ўрта Осиё иқтисодий райони давлат қурилиш ишлаб чиқариш комитетининг 8-ва 93-қурилиш трестлари, СССР монтаж ва махсус қурилиш ишлари давлат ишлаб чиқариш комитети ташкилотларининг коллективлари химия саноати корхоналарининг бир қанча ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириш ва пландан ташқари маҳсулот ишлаб чиқариш юзасидан олган социалистик мажбуриятларини бажарганликлари тўғрисида КПСС Марказий Комитетига, СССР Министрлар Советига ва шахсан ўртоқ Никита Сергеевич Хрушчевга маълумот бердилар.

Чирчиқ электрохмия комбинатининг меҳнаткашлари аммиак ишлаб чиқарувчи янги қувватларни вужудга келтириш соҳасидаги ишларни етти йиллик план топшириқларида кўзда тутилганидан икки йил олдин тугалладилар. Фарғонадаги азотли ўғитлар заводининг химиклари, бинокорлари ва монтажчилари эса, аммиак селитраси ва кам қувват азотли кислота ишлаб чиқарадиган цехлар комплексини қисқа муддатларда қуриб бўлдилар. Бу эса, бизнинг мамлакатимизда азотли ўғитлар ишлаб чиқаришни анча кўпайтириш имконини беради. Қишлоқ хўжалигида азотли ўғитлардан фойдаланиш қўшимча равишда бир неча миллион тонна пахта ва юз мингларча пуд дон олиш учун имконият яратиб беради.

Химия саноат корхоналари йиғма темир-бетондан кенг фойдаланиб, қурилишнинг прогрессив методлари асосида барпо қилинди.

Коммунистлар ва комсомоллар, барча ишчилар, инженерлар ва техниклар коллективи қурилишда, монтаж ишларида, минерал ўғитлар ишлаб чиқаришни ўзлаштириш ва улар учун хом ашё тайёрлаш соҳасида фидокорона меҳнат қилдилар.

Чалаев, Курдэзин, Овсянников, Абдуллаемов, Момит, Мадаминов, Клемешева, Жалилов, Сулаймонов ва Ашуров ўртоқлар бошчилигидаги коммунистик меҳнат бригадалари айниқса зўр маҳорат кўрсатдилар.

Ўзбекистон ССРдаги минерал ўғитлар корхоналарининг коллективлари социалистик мажбуриятларини муддатидан илгари бажарганликлари натижасида пландан ташқари 100 минг тонна минерал ўғит ва неча ўн минг тонналаб олтингугурт кислотаси ишлаб чиқардилар.

Ўзбекистон меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитети тарихий декабрь Пленумининг химия индустриясини жадал ривожлантириш тўғрисидаги қарорларини амалга ошириш учун бутун куч-ғайратимизни сарф қиламиз, деб КПСС Марказий Комитетига ва СССР Министрлар Советига ваъда берадилар.

УЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

## „ЎЗБЕКИСТОН ССРДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ПАХТАКОР“ ФАХРИЙ УНВОНИНИ ТАЪСИС ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Алоҳида ўрнак кўрсатган колхозчилар ва совхоз ишчиларини, бригада бошлиқларини, звено бошлиқларини, сувчилар ва пахта териш машиналарининг механик-ҳайдовчиларини, колхозлар, совхозларнинг раҳбарлари ва мутахассисларини, шунингдек қишлоқ хўжалиги илмий тадқиқот ва тажриба муассасаларининг ходимларини ҳамда пахта етиштириш билан бевосита шуғулланувчи бошқа ходимларни рағбатлантириш мақсадида Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган пахтакор» фахрий унвони таъсис қилинсин.

2. «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган пахтакор» фахрий унвонининг Низоми тасдиқлансин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Е. НАСРИДДИНОВА.
Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Р. САХИБОЕВ.

1963 йил 24 декабрь, Тошкент шаҳри.

## РСФСР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ СЕССИЯСИ ОЧИЛДИ

МОСКВА, 24 декабрь. (ТАСС). Бугун эрталаб соат 10 да Катта Кремль саройида олтинчи чақириқ РСФСР Олий Советининг иккинчи сессияси иш бошлаб юборди.

**Л. И. Брежнев, Г. И. Воронов, А. П. Кириленко, А. Н. Косигин, А. И. Микоян, Д. С. Полянский, Н. С. Хрушчев, Н. М. Шверник, В. В. Гришин, Л. Н. Ефремов** ўртоқлар ложаларга чиқиб келишганида депутатлар уларни узоқ давом этган гулдурос қарсаклар билан кутиб олишди.

Сессиянинг кун тартиби тасдиқланади. Сессия муҳокамасига қуйидаги масалалар киритилади:

— РСФСР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1964—1965 йиллардаги давлат плани тўғрисида;

— РСФСРнинг 1964 — 1965 йиллардаги Давлат бюджети тўғрисида ҳамда 1962 йилги РСФСР Давлат бюджетининг ижроси ҳақида;

— РСФСР Олий Совети Президиумининг Фармонларини тасдиқлаш.

Кун тартибидаги биринчи масала юзасидан РСФСР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, РСФСР Госплани раиси депутат К. М. Герасимов доклад қилди.

## *ҲОСИЛДОРЛИК ОШДИ*

**ОҚҚЎРҒОН.** Шонли етти йилликнинг бешинчи йили бошқармадаги Ҳамид Олимжон номли колхоз учун ҳам ажойиб муваффақиятлар йили бўлди. Ҳосилдорлик бир йил ичидаёқ 10 центнерга ошди.

Жонкуяр пахтакорлар келаси йил мўл ҳосили учун ҳам курашиб, дала ишларини кундан-кунга авж олдиришяпти. Улар пахта байрамига ажойиб совға билан келдилар. Барча экин майдонлари 28—30 сантиметр чуқурликда сифатли шудгорлаб қўйилди.

## «ОҚ ОЛТИН» ШОДИЁНАСИ

*Жонажон республикамизнинг бугунги тонготари нақадар файзли, нақадар оромбахш! Шу тонгдан радио карнайларидан эшитилаётган шўх ялалар пахтазор водилар, обод қишлоқлар бўйлаб боралла парвоз қилади. Шу тонгдан лобар қизлар, дўлвор йигитлар «оқ олтин» тўйи мадҳиясини куйлаб бир-бирларига жўр бўлишади. Меҳрибон оналар, жонкуяр оталар байрам муборак, деб юрак-юракдан бир-бирларини қутлашади. Ғолибларнинг қишлоқларида ғолиблик белгиси ол байроқлар тонгги ел эпкинида ҳилпирайди. Ҳа, ҳамма ёқда халқ шодиёнаси — «оқ олтин» шодиёнаси!*

*Яқиндагина деҳқонларнинг энг яқин дўсти қадрдонимиз Никита Сергеевич Хрушчев КПСС Марказий Комитети декабрь Пленуми минбаридан туриб, пахтакорнинг ғайрат-шижоатига, номус ва ориятига, ўз жонажон Ватанига бўлган садоқатига, улуғ партияга бўлган меҳр-муҳаббатига яна бир марта улкан баҳо берди.*

*— «Ўзбекистон ССР қишлоқ хўжалик ходимлари жуда катта меҳнат ғалабасига эришдилар. Улар давлатга пахта сотиш юзасидан олган мажбуриятларини бажардилар. Тайёрлов пунктларига 3 миллион 670 минг тонна — ўтган йилнинг шу вақтидагига қараганда 759 минг тонна кўп пахта топширилди. Қирғизистон ССР нинг колхозлари ва совхозлари пахта тайёрлаш планини ошириб бажардилар. Тожикистон ва Туркманистонда ўтган йилдагига қараганда анча кўп пахта тайёрланди. Умуман мамлакатда 5 миллион 130 минг тонна пахта харид қилинди. Бу — совет пахтачилигининг бутун тарихида энг кўп олинган ҳосилдир».*

*Бугундан бошланадиган «оқ олтин» шодиёнасининг боиси ана шундан. Қалблардаги битмас-туганмас қувонч, лаблардаги табассумнинг боиси ана шундан! Она ернинг қадрига етиб кузу-қишнинг аччиқ изғиринларини мардона енгиб ер кўксини тилган, олижаноб мақсад, яхши умид билан мўл ҳосил уруғини ерга қадаган, ҳар туп ғўзани кўз қорачиғидай асраб парвариш қилган, олтин куз палласида «зангори кема»лари бункеридан тонна-тонналаб тинчлик хирмонига «оқ олтин» тўккан қадрдон механизаторлар, тўйимизнинг тўри, қалбимизнинг тўри сизники!*

*Ҳафталаб киприк юммасдан, кечани кундузга, кундузни кечага улаб ҳар туп ғўза томирига қон-ҳаёт суви оқизган миришкор сувчилар, меҳр-муҳаббатимиз, садоқатли сўзимиз сизники. Кўп минг килограммчилар сафида бўлиб «оқ олтин»нинг сўнгги мисқолигача сира нобуд қилмасдан хирмонга уюб тўккан йигит ва қизларимиз, энг яхши мадҳиямиз сизлар учун аталган!*

*Оққўрғонлик шерларга бутун эл қойил бугун. Тинчликнинг хирмонига 70 минг тоннадан ортиқ «оқ олтин» зарин тўкиб, областимиз шарафин ардоқлаган мардларга олам-олам ташаккур.*

*Юқоричирчиқликлар, ўртачирчиқликлар, бўкаликлар, Калинин бошқармасининг миришкорлари ҳар қанча ўйин-кулги, ҳар қанча тўй-томоша қилсангиз хўп ярашар.*

*КПСС Марказий Комитети декабрь Пленуми қарорларини кўтаринки руҳ билан кутиб олган илғор хўжаликлар пахта байрами кунларида йиғим-теримдан кейинги кунлар ичида эришган ютуқлари ҳақида ғалаба рапорти бермоқдалар. Юқори Чирчиқ бошқармаси азамат пахтакорлари шу кунгача 18710 гектар ўрнига 18953 гектар, Калинин бошқармаси моҳир механизаторлари 17040 ўрнига 17211 гектар ер ҳайдаб кузги шудгор планини ошириб бажаришди. Оққўрғонликлар ҳам бугун-эрта рапорт беришади.*

*Ҳа, кузги шудгорда ҳосият кўп. Қиш бўйи қор-ёмғир сувини эмиб кўпчиган ер семиради, унинг ҳосилдорлиги ошади. Илғор бошқармаларнинг ишнинг кўзини билган миришкорлари бутун куч ва техникани кузги дала ишларига сафарбар этганлари учун ўз мақсадларига эришдилар. Қайси бир деҳқон бугунги ишни эртага қолдирмаса, доғда қолмайди.*

*Демак, ҳали олдимизда жуда катта вазифалар турибди. Бу вазифаларни КПСС Марказий Комитети Пленуми равшан белгилаб берди. Катта химия битмас-туганмас хазина деб айтилди. Биз ҳаммамиз химиянинг қишлоқ хўжалигининг барча тармоқлари билан бир қаторда пахтачилигимизни ривожлантиришда ҳам асосий роль ўйнашлигини чуқур ҳис қиламиз. Пленум қарорлари асосида қишлоқ хўжалигимизни янада тараққий эттириш бош йўлимиз бўлмоғи керак. Ҳар бир колхоз ва совхозда ернинг ҳосилдорлигини ошириш, бунинг учун ерни озуқага тўйдириш керак.*

*Ҳа, шундай. Бизнинг деҳқонларимиз ўз касбларини меҳр-муҳаббат билан севадилар. Она ернинг қадри-қимматига етадилар. Ҳар қачон ғайрат-шижоат билан меҳнат қилиб партия ва ҳукумат топшириқларини чин юракдан бажариш учун бел боғлаб ишлайдилар.*

*Эрта-индин пахтазор водиларимиз бағрида қудратли тракторларимизнинг овози қайтадан баралла янграйди. Далага ўғит ташиётган турнақатор машиналаримизнинг кети узилмайди. Ерни боқсанг элни боқади, деган мақсадни дилларига жо қилиб олган кишиларимиз бир жон, бир тан бўлиб бир ёқадан бош чиқариб далага отланганларида жўшқин меҳнат нафаси кезиб ҳаёт қайнайди!*

*Тинч ҳаётимиз учун, мамлакатимиз ободлиги учун, тўқ ва маданий ҳаёт учун, деган шиор остида ўзбек пахтачилигини ривожлантириш ишига муносиб ҳисса қўшаётган жафокаш, меҳнаткаш деҳқонларимиз, ҳорманглар энди! Пахта байрамингиз, йил бўйи қилган фидокорона меҳнатингиз байрами, юрак ҳарорати, пешона тери тўкилиб, тоғ-тоғ уюлган дурдонангиз байрами муборак бўлсин!*

